



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 29 » январь

№ 41

Toshkent sh.

### **Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Глобал коронавирус пандемиясининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш, савдо бозорларининг қисқариши оқибатида иқтисодиётнинг қатор тармоқ ва соҳаларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаоллигини чекловчи омилларни қисқартириш, шунингдек, маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш, давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириб бориш ҳисобига саноат ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат занжири яратилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон қарорига мувофиқ хорижда ишлаб чиқарилган алоҳида товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) давлат харидларида иштирокини вақтинчалик тақиқлаш механизмини жорий этиш, шунингдек, халқаро тажрибага мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларнинг СИР (Ўзбекистон) нархидан 15 фойздан кўп бўлмаган миқдорда преференция қўллаш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

Давлат харидларида иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат харидларида иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиqlansin.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлашга оид қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва давлат буюртмачилари томонидан ариза ва мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Электрон кооперация порталида онлайн қабул қилиш ва натижаларини қайта юбориш алоқа механизмини назарда тутувчи электрон тизимни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни батафсил ўрганиш асосида Давлат харидларидағи иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига ўзгартериш киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши ҳамда ҳар чорак якуни билан Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

4. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги мазкур қарорга 2-илова билан тасдиқланган рўйхатдаги товарларни келгусида ишлаб чиқариш қуввати талаб этилаётган ҳажми ва сифатини ошириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси давр учун давлат харидларининг режа-графиклари ва давлат харидларининг ўтган йилдаги амалдаги ҳажми тўғрисидаги маълумотларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказилишини таъминлаш мақсадида уларни Давлат харидлари маҳсус ахборот порталига жойлаштириб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosari – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “29 ” январдаги 41 -сон қарорига  
1-илова

**Давлат харидларидағи иштироки вақтингачалик тақиқланган  
ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилған товарлар, шунингдек,  
хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг  
(хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Давлат харидларидағи иштироки вақтингачалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилған товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш ҳамда давлат буюртмачисига товарларни (ишлар, хизматларни) хориждан импорт қилишга рухсат бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**рўйхат** – давлат харидларидағи иштироки вақтингачалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилған товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати;

**ахборот портали** (кейинги ўринларда – портал) – [www.cooperation.uz](http://www.cooperation.uz) домени остида фаолият қўрсатаётган Электрон кооперация портали;

**ишли орган** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Электрон кооперация портали маркази;

**мурожаат** – рўйхатда келтирилмаган, бироқ ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, хизмат қўрсатилиши) йўлга қўйилған товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишларни бажарувчилар, хизмат қўрсатувчилар) томонидан ишли органга, шу жумладан, порталда яратиладиган махсус хизмат орқали тақдим этиладиган ариза;

**ариза** – давлат буюртмачисининг рўйхатдаги товарларни (ишлар, хизматларни) хориждан импорт қилишга рухсат олиш учун ишли органга, шу жумладан, порталда яратиладиган махсус хизмат орқали тақдим этиладиган мурожаати;

**давлат буюртмачиси** – “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган давлат буюртмачиси;

**экспертиза қилиш маркази** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонаси;

**Ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар)** – республика худудида ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) хорижда ишлаб чиқариладиган (бажариладиган, хизмат кўрсатиладиган) турдоши;

**Ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчи** – давлат бюртмачисининг аризасида келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) хорижда ишлаб чиқарадиган (бажарадиган, хизмат кўрсатадиган) ташкилот.

3. Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш ҳамда рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тартиби ушбу Низомга 1 ва 2-иловалардаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Рўйхатни шакллантириш ва мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**

4. Рўйхат маҳаллий ишлаб чиқарувчи (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан келиб тушган мурожаатлар ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни батафсил ўрганиш якуни бўйича киритган таклифлари асосида ишчи орган томонидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга киритилмаган, бироқ ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун республикада икки ёки ундан ортиқ ишлаб чиқарувчининг (ишларни бажарувчининг, хизмат кўрсатувчининг) (кейинги ўринларда – ишлаб чиқарувчи) мавжудлиги асос бўлади.

Бунда қуйидаги мезонлар асосида ишлаб чиқарувчининг маҳсулоти тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши лозим:

таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) номи;

сотиш нархи;

товарнинг (иш, хизматнинг) энг кўп ва энг кам тўпи;

товар (иш, хизмат) тури ва техник параметри (техник паспорт ёки техник кўрсаткичларини акс эттирувчи бошқа хужжат);

товар (иш, хизмат) етказиб бериладиган ҳудуднинг номи ва муддати;

кафолат шарти ва муддати ҳақида маълумот;

товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарилган вақти (кун, ой, йил);

товарнинг (иш, хизматнинг) яроқлилик муддати;

заруратга кўра, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бўлган бошқа хужжат ёки сертификат мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

5. Товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун мурожаат портал орқали ишчи органга қуидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этилади:

а) мурожаатчи тўғрисида маълумот (почта манзили, СТИР ва телефон (факс) рақами);

б) рўйхатга киритилиши таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) номи, бир бирлик учун нархи ва ТИФ ТН коди (10 та белгили) тўғрисидаги маълумотлар;

в) рўйхатга киритилиши таклиф этилаётган товарнинг (иш, хизматнинг) маҳфийлик мақомига эга бўлмаган функционал вазифаси, техник хусусияти, сифат хусусиятлари (кафолат муддати, ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлмаган, хусусан, кимёвий, физик, механик ва бошқа хусусиятлари), етказиб бериладиган маҳсулотнинг сифатини тасдиқовчи ҳужжатлар.

6. Ишчи орган мурожаат келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида мурожаат ушбу Низомнинг 5-банди талаблари асосида тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича:

хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни мурожаатчига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади;

хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига ушбу Низомнинг 5-банди “а” ва “б” кичик бандларида назарда тутилган маълумотларни тасдиқлаш учун онлайн сўровнома юборади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ушбу Низомга З-иловага мувофиқ маълумотларни ишчи органга тақдим этади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан сўровномага жавоб келиб тушган кундан бошлаб ишчи орган:

мурожаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдигини топган ҳолатда, беш иш кунида мазкур товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўшиш ёки рўйхатдан чиқариш юзасидан таклифларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда заруратга кўра бошқа ташкилотларга киритади;

мурожаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдигини топмаган ҳолатда, уни уч иш кунида мурожаатчига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади.

9. Ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар таклиф киритилган кундан бошлаб ўн беш иш кунида товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисида тегишли таклифини ишчи органга тақдим этади.

10. Ишчи орган ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кирилади.

### **3-боб. Рўйхатдаги товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тартиби**

11. Рўйхатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилиш учун давлат буюртмачиси ишчи органга ариза билан мурожаат қиласди.

Бунда давлат буюртмачиси аризасида рўйхатда келтирилган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) параметрлари импорт қилиниши таклиф этилаётган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) параметрларига мос келмаслиги ёки фарқ қилувчи хусусиятга эга бўлиши лозим.

12. Давлат буюртмачиси томонидан ариза портал орқали ишчи органга қуидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим қилинади:

а) давлат буюртмачиси тўғрисида маълумот (почта манзили, телефон (факс) рақами);

б) хориждан харид қилиниши режалаштирилган ўхшаш товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) номи, бир бирлик учун нархи ва ТИФ ТН коди (10 та белгили) тўғрисидаги маълумот;

в) хориждан харид қилиниши режалаштирилган ўхшаш товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) функционал вазифаси, техник хусусияти, миқдори, сифат хусусиятлари (кафолат муддати, ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлмаган, хусусан, кимёвий, физик, механик ва бошқа хусусиятлари), етказиб бериладиган маҳсулотнинг сифатини тасдиқовчи ҳужжатлар ҳамда ўхшаш товарлардан (ишлар, хизматлардан) фарқлари тўғрисидаги маълумот;

г) ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) импорт қилишда молиялаштириш манбаи тўғрисидаги маълумот.

13. Давлат буюртмачиси томонидан ариза маҳфийлик мақомига эга бўлмаган маълумотлар илова қилинган ҳолда импорт қилишга рухсат сўралган ҳар бир товар (иш, хизмат) учун алоҳида тақдим этади.

14. Ишчи орган экспертиза қилиш маркази билан биргаликда ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида ариза ушбу Низомнинг 12-банди талаблари асосида тўлиқ тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича:

хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни давлат буюртмачисига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади;

хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига маълумотларни тасдиқлаш учун онлайн сўровнома юборади.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида уни ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ушбу Низомга З-иловага мувофиқ маълумотларни ишчи органга тақдим этади.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан сўровномага жавоб келиб тушган кундан бошлаб ишчи орган:

ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлса – икки иш кунида портал орқали давлат буюртмачисининг импорт асосида хорижда ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган параметрларини акс эттирган ҳолда, ўхша什 товарларни (ишлар, хизматларни) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга таклиф сифати юборади;

ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлмаса – уч иш кунида рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисида ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотларга асослантирилган таклифни кўриб чиқиши учун киритади.

17. Ўхша什 товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар ишчи орган томонидан портал орқали йўллаган таклифга мувофиқ товарни (иш, хизматни) келтирилган параметрлар асосида ишлаб чиқариш имконияти ҳақида ўн иш кунида офертани порталга жойлаштиради.

Бунда ўхша什 товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар томонидан келтирилган товарни (иш, хизматни) тегишли параметрлар асосида ишлаб чиқариш имконияти тўғрисида порталда оферта жойлаштирилмаса, тегишли товарни (иш, хизматни) республикада ишлаб чиқариш имконияти мавжуд эмас деб топилади.

18. Ишчи орган ўхша什 товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариш (бажариш, хизмат кўрсатиш) имконияти мавжудлиги тасдиқланган кундан бошлаб икки иш кунида тегишли давлат буюртмачисини хабардор қиласди.

19. Рўйхатга киритилган товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлмаса ёки улар тегишли параметрлар асосида республикада ишлаб чиқарилмаса (порталда оферта жойлаштирилмаса), ишчи орган уч иш кунида рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги

таклифни ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотларга кўриб чиқиш учун киритади.

20. Ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар таклиф киритилган кундан бошлиб ўн беш иш кунида давлат буюртмачасига рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисида тегишли таклифини ишчи органга тақдим этади.

21. Ишчи орган ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

22. Ишчи органга тақдим этилган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун уларни тақдим этган ишлаб чиқарувчи ёки давлат буюртмачиси жавобгар бўладилар.

23. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат харидларидағи иштироки вақтингчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилған товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

**Давлат харидларидағи иштироки вақтингчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилған товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	Рўйхатда келтирилмаган, бироқ ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга кўйилган товарларни рўйхатга киритиш учун ишчи органга портал орқали мурожаат этади.	ихтиёрий
2-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб мурожаат тегишли талаблар асосида тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича: хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни мурожаатчига қайтаради; хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, Давлат статистика қўмитасига тегишли маълумотларни тасдиқлаш учун сўровнома юборади.	беш иш кунида
3-босқич	Давлат статистика қўмитаси	Сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича тегишли маълумотларни ишчи органга тақдим этади.	беш иш кунида
4-босқич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Давлат статистика қўмитасига юборилган сўровнома натижаси келиб тушган кундан бошлаб: мурожаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдигини топган ҳолатда, рўйхатга кўшиш ёки рўйхатдан чиқариш таклифини тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга киритади; мурожаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдигини топмаган ҳолатда мурожаатчига қайтаради.	беш иш кунида уч иш кунида

Боскичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш мұддаты
5-боскич	Тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар	Ишчи орган томонидан кириtilган таклифларни күrib чиқади ҳамда товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисида тегишли таклифини ишчи органга тақдим этади.	ўн беш иш кунида
6-боскич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги таклифни тайёрлайди ва Вазирлар Махкамасига киритади.	Мурожаатни кўриб чиқиш якуни билан

Давлат харидларидаги иштироки вақтингчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Рўйхатда келтирилган товарларни (иш, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш СХЕМАСИ**

Боскичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-боскич	Давлат буюртмачиси	Рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилиш учун ишчи органга ариза билан мурожаат этади.	Заруратга кўра
2-боскич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги), Экспертиза килиш маркази	Ариза тегишли талаблар асосида тўлиқ тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича: хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни давлат буюртмачисига қайтаради; хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда аризада келтирилган ўхшаш товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) маҳаллий ишлаб чиқарувчилари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида Давлат статистика қўмитасига онлайн сўровнома юборади.	беш иш кунида
3-боскич	Давлат статистика қўмитаси	Сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича тегишли маълумотларни ишчи органга тақдим этади.	беш иш кунида
4-боскич	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Сўровнома жавоби келиб тушгандан кейин: ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлса, уларга портал орқали давлат буюртмачисига зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) параметрлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни таклиф сифати юборади; ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлмаса, рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисида таклифларни тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиш учун тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга киритади.	икки иш кунида  уч иш кунида

Босқычлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш мұддаты
5-босқыч	Махаллий ишлаб чиқарувчи	Ишчи орган томонидан портал орқали йүллаган таклифга мувоғиқ товарни (иш, хизматни) келтирилгандар асосида ишлаб чиқариш имконияти ҳақида офертасини шакллантиради ва порталда жойлаштиради.	үн иш кунида
6-босқыч	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Үхаш товарларни (ишлар, хизматларни) махаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариш (бажариш, хизмат күрсатиши) имконияти мавжудлиги тасдиқланса, ариза билан мурожаат этган давлат буюртмачисини хабардор қилади.	икки иш кунида
7-босқыч	Тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар	Ишчи орган томонидан кирилтілген таклифларни күриб чиқади ҳамда давлат буюртмачасига рүйхатда келтирилгандар товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш түғрисида тегишли таклифини ишчи органга тақдим этади.	үн беш иш кунида
8-босқыч	Ишчи орган (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги)	Тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан белгиланған тартибда келишилгандар рүйхатда келтирилгандар товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш түғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритади.	Мурожаатни күриб чиқыш якуны билан

Давлат харидларидаги иштироки вақтингчалик  
тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган  
товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан  
бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини  
шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

(охирги ҳисобот даври якунига кўра)

T/p	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	СТИР рақами	Давлат рўйхатидан ўтган санаси (йил, ой, кун)	Жойлашган жойи ва телефон (факс) рақами	10 та белгили ТИФ ТН коди асосида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат) номи	10 та белгили ТИФ ТН коди асосида товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш	
						физик хажми	микдори (млн сўм)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 29 " январдаги 41 -сон  
карорига 2-илова

Давлат харидларидағи иштироки вактингчалик тақиқланган ва чегараланган  
хорижда ишлаб чыкарилған товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан  
бажарыладынгы ишларнинг (хизматларнинг)  
**РҮЙХАТИ**

Т/р	ТИФ ТН коди	Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси асосида маҳсулотнинг гурухи*	Маҳсулотнинг қисқача номланиши
1	207111000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Гүшт
2	207121000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Гүшт
3	207139100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Гүшт
4	303110000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Балиқ
5	304310000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Балиқ
6	304610000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Балиқ
7	304910000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Балиқ
8	305310000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Балиқ
9	305410000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Балиқ
10	305610000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Балиқ
11	306110500	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Балиқ
12	401101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
13	401401000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
14	402101100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
15	402211100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
16	402911000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
17	402991000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
18	403101100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
19	403901100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
20	403907100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
21	404100200	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
22	404902100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сут маҳсулотлари
23	405101100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сарнёғ
24	405201000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сарнёғ
25	405901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сарнёғ
26	406103000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Пишлок
27	406105003	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Пишлок
28	406200000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Пишлок
29	406301000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Пишлок
30	407901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Тухум
31	408192000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Тухум
32	701905000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Картошка
33	710100000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Картошка
34	710210000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Нұхат
35	711201000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
36	712200000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Курилған сабзавот
37	712310000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Курилған сабзавот
38	712900500	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Курилған сабзавот
39	801220000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Ёнгок
40	803109000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Курилған мева-сабзавотлар
41	806201000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Узум
42	811101100	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Мева ва ёнғоқ аралашмаси
43	812100000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Гилос
44	813100000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Курилған мева
45	814000000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Курилған мева
46	902100001	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Чой
47	902200000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Чой
48	902300001	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Чой
49	902400000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Чой

Т/п	ТИФ ТН коди	Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси асосида маҳсулотнинг гурухи*	Маҳсулотнинг қисқача номланиши
50	904120000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Қалампир
51	904220000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Қалампир
52	1104191000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ёрмалар (гуруч ва бошқалар)
53	1104224000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ёрмалар (гуруч ва бошқалар)
54	1202420000	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Ер ёнғок
55	1501109000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ёғ
56	1503001100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
57	1504101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ёғ
58	1505001000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ёғ
59	1506000000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ёғ
60	1507101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соя, арахис, зайтун ёғи
61	1507901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соя, арахис, зайтун ёғи
62	1508101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соя, арахис, зайтун ёғи
63	1509101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соя, арахис, зайтун ёғи
64	1509900000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соя, арахис, зайтун ёғи
65	1512111000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Кунгабоқар ёғи
66	1512191000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Кунгабоқар ёғи
67	1512199002	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Кунгабоқар ёғи
68	1512211000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Пахта ёғи
69	1512291000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Пахта ёғи
70	1515110000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
71	1515904000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
72	1515905100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
73	1517101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Маргарин
74	1517901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Маргарин
75	1518001000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Маргарин
76	1520000000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
77	1521100000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
78	1522003100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
79	1522003900	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
80	1601001000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
81	1602100010	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган гүшт маҳсулотлари
82	1602201000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган гүшт маҳсулотлари
83	1701121001	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шакар
84	1701910011	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шакар
85	1701991001	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шакар
86	1702301000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Глюкоза, лактоза
87	1702907100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Глюкоза, лактоза
88	1703100000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
89	1704101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Саич
90	1704901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
91	1704903000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
92	1704905100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
93	1704906100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
94	1704907100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)

Т/р	ТИФ ТН коди	Ташки иқтисодий фаолият товар номенклатураси асосида маҳсулотнинг гурухи*	Маҳсулотнинг кисқача номланиши
95	1704908100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к)
96	1704909900	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к)
97	1806201000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к)
98	1806310000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
99	1806321000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
100	1806901100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
101	1806901900	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
102	1806903100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
103	1806903900	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
104	1806905001	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
105	1806906000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
106	1806907000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Шоколад
107	1901100000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Болалар овқатлари
108	1901200000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к)
109	1902110000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Макарон
110	1902201000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Макарон
111	1902401000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Макарон
112	1903000000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к)
113	1904101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Тайёр таомлар (нонушталар ва х.к.)
114	1904901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Тайёр таомлар (нонушталар ва х.к.)
115	1905100000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
116	1905201000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
117	1905311100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
118	1905320500	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
119	1905901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
120	1905902000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
121	1905903000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
122	1905904500	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
123	1905905500	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
124	1905906000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ун маҳсулотлари (вафли, печенье ва х.к.)
125	2001100000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
126	2001901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
127	2001905000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
128	2001909700	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
129	2002101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
130	2002901100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
131	2003102000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
132	2004901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
133	2004909800	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
134	2005201000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
135	2005202000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
136	2005400000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
137	2005510000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
138	2005800000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
139	2005910000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар

Т/р	ТИФ ТН коди	Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси асосида маҳсулотнинг гурухи*	Маҳсулотнинг қисқача номланиши
140	2005996000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
141	2006001000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
142	2007101010	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
143	2007911000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
144	2007991000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Консерваланган сабзавотлар
145	2009111100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
146	2009311100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
147	2009419200	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
148	2009501000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
149	2009611001	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
150	2009691100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
151	2009712001	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
152	2009791100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
153	2009893400	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
154	2009893500	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
155	2009901100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
156	2101129201	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
157	2101202000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
158	2102101000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Хамиртуриш
159	2103100000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соус (кетчуп, майонез)
160	2103200000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соус (кетчуп, майонез)
161	2103301000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соус (кетчуп, майонез)
162	2103309000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соус (кетчуп, майонез)
163	2103901000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соус (кетчуп, майонез)
164	2103909001	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Соус (кетчуп, майонез)
165	2104100000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Қуруқ овқат
166	2104200010	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Қуруқ овқат
167	2105001000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Бошқалар (музқаймок, ванил, занжабил, творог ва х.к.)
168	2106909809	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Био ўшимишалар
169	2201101100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
170	2201101900	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
171	2201109000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
172	2201900000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
173	2202100000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
174	2202910000	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ичимликлар
175	2203000100	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Пиво
176	2204101100	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Вино
177	2204210600	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Вино
178	2204301000	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Вино
179	2207100000	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Бошқалар (ром, джин, лекер, конъяк ва х.к.)
180	2207200000	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Бошқалар (ром, джин, лекер, конъяк ва х.к.)
181	2208201200	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Вино
182	2208301100	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Виски
183	2208601100	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Ароп
184	2208701000	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	Бошқалар (ром, джин, лекер, конъяк ва х.к.)
185	2209001100	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Сирка
186	2301100000	Ҳайвонлар учун озукалар	Донли чикиндилар
187	2301200000	Ҳайвонлар учун озукалар	Донли чикиндилар
188	2302101000	Ҳайвонлар учун озукалар	Донли чикиндилар
189	2303101100	Ҳайвонлар учун озукалар	Донли чикиндилар
190	2303300000	Ҳайвонлар учун озукалар	Донли чикиндилар
191	2304000001	Ҳайвонлар учун озукалар	Кунжара
192	2306100000	Ҳайвонлар учун озукалар	Кунжара
193	2306300000	Ҳайвонлар учун озукалар	Кунжара

Т/р	ТИФ ТН коди	Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси асосида маҳсулотнинг туруги*	Маҳсулотнинг қисқача номланиши
194	2308001100	Ҳайвонлар учун озукалар	Бошқалар
195	2309101100	Ҳайвонлар учун озукалар	Ит ва мушуклар учун озука
196	2309901000	Ҳайвонлар учун озукалар	Балиқлар озукаси
197	2515110000	Табиий қазилмалар	Мрамор
198	2523100000	Табиий қазилмалар	Цемент
199	2523210000	Табиий қазилмалар	Цемент
200	2523300000	Табиий қазилмалар	Цемент
201	2710197100	Нефть ва нефть маҳсулотлари	Мотор мойи
202	2806100000	Кимё саноати маҳсулотлари	Ноорганик кислоталар (Азотли, фосфорли, борли)
203	2827100000	Кимё саноати маҳсулотлари	Кимёвий тузлар
204	2827200000	Кимё саноати маҳсулотлари	Кимёвий тузлар
205	2827392000	Кимё саноати маҳсулотлари	Кимёвий тузлар
206	2830100000	Кимё саноати маҳсулотлари	Кимёвий тузлар
207	2832100000	Кимё саноати маҳсулотлари	Кимёвий тузлар
208	2833190000	Кимё саноати маҳсулотлари	Кимёвий тузлар
209	2839190000	Кимё саноати маҳсулотлари	Кимёвий тузлар
210	2849100000	Кимё саноати маҳсулотлари	Кальций карбиди
211	2930909500	Кимё саноати маҳсулотлари	Органик-ноорганик бирикмалар (олтингугурт, сулфанамидлар ва х.к.)
212	2937120000	Кимё саноати маҳсулотлари	Провитаминалар, гормонлар, антибиотиклар
213	3004100001	Фармацевтика маҳсулотлари	Дори воситалари
214	3004200001	Фармацевтика маҳсулотлари	Дори воситалари
